

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти,
тарих фанлари номзоди, доцент



ЗАНГИ ОТА МАЖМУАСИ – ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ НОЁБ ЁДГОРЛИГИ

Юртимизда аجدодларимиз зиёратгоҳлари тикланиб, уларнинг ҳаёт йўли ва илмий мероси ўрганилиб, тадқиқ этилмоқда. Ана шундай зиёратгоҳлардан бири Занги ота мажмуасидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 октябрдаги 322-сонли қарори асосида Тошкент вилоятидаги Занги ота мажмуаси ва унга туташ ҳудудларда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Мажмуа ҳудудида 1000 ўринли янги масжид биноси барпо этилди.

Занги ота зиёратгоҳи Марказий Осиёдаги ноёб обидалардан бири саналиб, XII – XIII асрда яшаб фаолият юритган мутасаввиф Ойхўжа ибн Тожхўжа номи билан боғлиқ.

Занги отанинг асл исмлари Ойхўжа ибн Тошхўжа (ваф. 1258 й.) бўлиб, яссавия тариқатининг машҳур намояндаларидан биридир. У Арслонбобнинг авлодидан (эвараси) бўлган. Бу зот қора танли бўлгани учун занги, ҳурмат юзасидан ва олий ҳимматлиги учун Занги бобо Ҳимматий деб аташган.

Тарихчи Турғун Файзиевнинг таъкидлашича, Занги отанинг халқлар олдидаги улуғ ифтихорий хизматлари, инсонларга кўрсатган юксак ва олиҳиммати, ул бузруквор шайхнинг таҳаллуси (Ҳимматий) билан уйғун ва мутаносиб равишда тилга олинган.

Занги отанинг асл туғилган ва яшаган маскани Шош (Тошкент) вилояти бўлиб, Тошкент билан Қовунчи оралиғидаги Зангиота номли қишлоқдир (Занги ота Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги Зангиота маҳалласида туғилиб, ўсган деган тахминлар ҳам бор).

Халқ орасидаги ривоятларга кўра, Занги ота номи улуғ Шайх Хожа Аҳмад Яссавий томонидан берилган. Хусусан, адиб ва ношир Асрор Самад келтирган ривоятга қараганда, Тожхожа отанинг оиласида ўғил фарзанд туғилгач, у чақалоқнинг чилласи чиқиши билан Қовунчи яқинидаги қишлоқдан Ясси қишлоғига от отлаб, туя қўмлаб, қанча йўллар босиб келиб, гўдакни Яссавийнинг этагига солди. Яссавий чақалоқнинг оғзига туфлар экан, уни шундай дуо қилди: “Илоҳим, шу гўдаккинага илму маърифат ато қилгин, солиҳ амалларни қилишида ўзинг қўллагин, токи келажакда улуғ пир бўлиб етишгай. Модомики, бу гўдаккинани бизга назр қилибдилар, бизга бахшида қилинадиган барча хайрларнинг аввалини шу гўдакка бағишлаймиз”. Яссавий дуо ўқиб болани отасига қайтарар экан, ўғлинг занжи туғилибдур, деб қўйган. Шу бўлибми ёки кейинроқми, боланинг исми Аҳмад Яссавий марҳамати билан Ойхожа деб аталган

бўлса ҳам, уни эркалаб Занжи ёки Занги деб атайдиган бўлдилар.

Айрим қўлёзма ва тошбосма асарларда кайд этилишича, Шош вилоятидан чиққан йирик машойих – Занги отани маҳаллий аҳоли эҳтиром билан Занги бобо (Занги бува), дер эканлар. Занги ота чўпонлик қилгани сабабли у кишини Чўпон ота деб ҳам аташган.

Бу ҳақда тарихчи Фахриддин Али Сафий “Рашахот айн ал-ҳаёт” (“Оби ҳаёт томчилари”) асарида таъкидлаган: “Занги ота лаби қалин, қоп-қора киши бўлиб, олдинига чўпон бўлиб, саҳрода Тошкент аҳлининг сигирларини боқиб (чўпонлик) подачилик қилар эдилар”.

Ривоятларга қараганда, Занги ота умр бўйи подачилик билан машғул бўлган ва жамоанинг мол-ҳолини ёз мавсумида Ғарбий Тяньшань тоғи қир-адирларига томон ҳайдаса, куз-қиш ойларида Сирдарё, Чирчиқ ва Салор дарёлари қирғоқларидаги тўқаю қамишзорларда боққан.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, подачилик ўша даврда энг эъзозли касб-кор ҳисобланган. Баъзи манба ва адабиётларга кўра, “авлиёлар ва дарвешлар одатда қишлоқларда истиқомат қилишган ва табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлишган. Шу боис ер, ўсимликлар ва ҳайвонлар уларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутган. Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳаётини кузатганимиз-да, аксариятининг подачилик билан машғул бўлгани диққатни тортади” (Саидов А. Ҳазрат Занги ота. Тошкент: Шарқ, 2015. 55-бет).

Занги ота фақир ва дарвешсифат бўлиб, одамларнинг сигирларини боқиб, подачилик қилиб, ғарибона ҳаёт кечирган. Занги отанинг кундалик умри доимо саҳрода, подачилик билан ўтган. Намоз ва зикрни канда қилмаган. Занги отанинг кароматлари ва фазилатларини Хожа Аҳрор, шоирлар Бобораҳим Машраб, Махтумқули, Камий Тошкандий ва бошқалар тилга олиб, шеър ва хотиралар ёзиб қолдирганлар, халқ ўртасида эса турли ривоятлар тўқилган.

Ана шундай шеърлардан бири шоир Хаёлий қаламига мансуб қўлёзма бўлиб, ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди-

да 4035/2-инвентар рақам остида сақланади. Ушбу шеър 7 саҳифадан иборат. Шоир Хаёлий (Имом қори) марҳум манбашунос Абдулла Носиров таъкидига кўра, шеър ва адабиётда XIX асрда яшаган Ахтарийга шогирд бўлган.

Ахтарий Афандихон Ортиқхўжа Эшон ўғли 1870 йил эшонлар оиласида туғилган. У Себзор даҳа Ҳовузбўйи маҳалласидан бўлиб, маҳалла мактабида Исматуллоҳ қорида ўқиб, саводини чиқарган, ҳам қори бўлган. Тошкентдаги “Бекларбеги” мадрасасида Домла Шомахмуд Охунда, Қўқон ва Бухоро мадрасаларида ҳам ўқиб, хатми кутуб қилган. Шеър ва адабиётда устози Пирмуҳаммад Аълам (тахаллуси Котиб) домла бўлиб, форсий ва арабий шеърларга моҳир эди. “Ал-Изоҳ”, “Ислоҳ” каби журналлар ва “Садои Туркистон” газетасига шеърлар ёзиб турган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Занги ота омма наздида зоҳид ва Аллоҳ азиз қилган авлиё сифатида улуғланган. Бу бежиз эмас, албатта. “Рашахот” да “Ҳазрати Мавлоно Қози алайҳир раҳма Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)дин накл қилибдурким, ойдилар: “Ҳар вақт Занги Отонинг зиёратларига келсам, қабри муборақларидин ҳама (вақт) “Аллоҳ, Аллоҳ” деган овоз эшитурман”.

Занги отанинг бутун онгли ҳаёти Мовароуннаҳр халқларининг энг оғир ва даҳшатли даври мўғуллар истилосига тўғри келган. Ана шундай оғир вазиятда Занги ота ва унинг 10дан ортиқ шогирдлари халқ оммасини қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, адл-инсоф, поклик, яхшилик, тўғрилик, меҳр-шафқат каби олий умуминсоний



ғоялар билан озиклантириб, уларни руҳан ва маънан қўллаб-қувватлашган. Бу борада қатор тарихий манбаларда қимматли маълумотлар келтирилган.

Занги отанинг шогирдлари Узун Ҳасан ота, Сайид ота, Садр ота ва Бадр оталар Занги ота топшириқлари билан Сибир, Волга бўйлари, Урал тоғи жанубидаги татар, бошқирдлар орасида ислом динининг умуминсоний қадриятларини ёйишда улкан хизматлар қилишган.

XIX аср тарихчиси Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Занги ота зиёратгоҳи ҳақида маълумот келтирилган. Занги ота мазори Самарқанд дарвозаси ташқарисида жойлашган бўлиб, мақбарадан шаҳаргача бир фарсах йўлда узлуксиз боғ, ҳовуз, чорбоғ ва дарахтзор ҳамда бир қанча карвонсарой ва дўконлар барпо этилган. Муҳаммад Солиххўжанинг таъкидлашича, Занги ота мақбараси иморатини Амир Темур бино қилган. Мазорнинг уч томонидаги иморатни Нормуҳаммад қушбеги мадраса қилиб, хужралар

солган. Қаноат оталиқ эса, 1870 йилда айвонни олиб ташлаб, пишиқ ғиштан масжид қурдирган, гумбазларни таъмирлаган. “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида ёзилишича, ҳар йили қовун пишар маҳали шаҳар аҳолисининг акобирлари уч кун у ерга сайр ва саёҳат қилишга келганлар ва бу томоша атроф шаҳарларга ҳам маълум бўлган.

XIX аср охирларига келиб, Занги ота мақбараси атрофида ўзига хос меъморий ансамбль юзага келган бўлиб, у Занги ота ва Анбар биби мақбараси, юқорида тилга олинган мадрасамасжиддан иборат бўлган.

Бундан ташқари, мажмуа ҳовлисида масжид, зиёратчилар учун хужралар, ҳовуз ва дарвозахона олдидаги иншоотлар барпо этилган. Муҳими, Зангиота мажумаси бугунги кунда ҳам нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақаси, Шарқ мусулмон мамлакатлари учун ҳам ислом маданиятининг ноёб ёдгорлиги ва табаррук зиёратгоҳларидан бири саналади.

